

# Ўзбекистон ва Испания кимё саноатидаги ҳамкорликнинг келгусидаги истиқболларини муҳокама қилди

// 10 aprel 2021 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/madrid>



Мадридда "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Бошқарув раиси Жўрабек Мирзамахмудов Испания саноат, савдо ва туризм вазирлиги Давлат котиби Шиана Мендес билан музокаралар ўтказди.

Тадбир Ўзбекистон Республикасининг Испания Қироллигигидаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Учрашув давомида томонлар Ўзбекистон кимё саноатида Испания компаниялари билан ҳамкорликнинг кейинги истиқболлари, хусусан, "Максам" компанияси билан мамлакатимизда муваффақиятли ташкил этилган минирел ўғитлар ишлаб чиқарувчи "Максам-Чирчик" ва "Аммофос-Максам" корхоналарининг фаолияти муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, Тошкентда жорий йилнинг иккинчи ярмига белгиланган Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи ийғилиши кун тартибидаги масалалар юзасидан томонларнинг таклифлари кўриб чиқилди.

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**